SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 20-FEVRAL ■ PAYSHANBA ■ 21 (27.041) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

«Оқсарой»нинг алп одимлари

Бундан роппа-роса ўн ой илгари Шаҳрисабзда Ўзбекистон — Япония — Туркия ҳамкорлигида барпо этилган қўшма корхона ишга туширилган эди.

Илғор ишчи Соҳиба Боқиева.

Тарих учун жуда қисқа бу давр мобайнида кўҳна Кеш тупроғида ўзбек-япон-турк сармоялари ёрдамида барпо этилган ва хорижий технология ва ускуналар билан жиҳозланган «Оқсарой тўқимачи ЛТД» деб ном олган бу қудратли қўшма корхона шу қисқа муддат ичида ўз қудратини тўла намоён қила олди, десак муболаға эмас. Боиси, ўтган 2002 йилнинг апрель ойида фойдаланишга топширилган мазкур корхонада жорий йилнинг шу даврида 3 минг 594 тонна ипкалава ҳамда 484 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқарилиб, тайёр маҳсулот Англия, АҚШ, Италия, Греция, Туркия, Португалия, Бельгия ва бошқа мамлакатларга экспорт қилинди. Мамлакатимиз пахта хомашёсидан тайёрланган бу маҳсулотлар — экспорти 7 миллион 039 минг АҚШ долларини ташкил этди.

— Қўшма корхонамиз Ўзбекистон пахта хомашёсидан йилига 4800 тонна тароқланган ипкалава, 2000 тонна трикотаж матоси ишлаб чиқариш қувватига эга, — дейди корхона бош директори Исмоил Сари. — Кўриб турганингиздек, умумий саҳни 21 минг квадрат метрни ташкил этадиган бу йирик мажмуада Японияннинг «Мурата», «Тайота», «Охтори Тручлер», «МПМ-10» каби машҳур компанияларида тайёрланган энг сўнги русумдаги технология, дастгоҳлар билан бир қаторда Америка Қўшма Штатларида ишлаб чиқарилган «Вангард» фирмаси маҳсулоти — замонавий тўқимачилик машиналари ҳам ўрнатилган.

Дарҳақиқат, истиқлол йиллари мамлакатимизда рўй берган ўзгаришлари, хорижий шериклар билан ҳамкорликни сарҳисоб қилсак, ҳеч муболағасиз айтиш мумкинки, ўтган йилларда асрларга татигулик бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Фикримизнинг ёркин далили сифатида, биргина Шаҳрисабз заминида бир неча қўшма корхоналар бунёд этилди. Хорижий инвестиция кириб кела бошлади. Қўшимча иш ўринлари яратилди.

— Илгарилари, тўғрироғи собиқ иттифоқ даврида бундай қўшма корхоналар барпо қилишга умуман йўл қўйилмасди, — дейди қўшма корхона раҳбарининг муовини Зайниддин Боқиев. — Оддийгина бир иморатни қуриш учун ҳам марказдан рухсат олиш лозим эди. Бугун эса кўҳна Кеш жамолида халқимизнинг қадимий шаҳарсозлик, меъморсозлик тажрибалари ғарбу шарқ услуби билан уйғунлашиб кетганлигини кўрамиз. Ким ўйлабди, дейсиз Шаҳрисабзда ҳам «Оқсарой тўқимачи ЛТД»дек йирик, кўркам, замонавий қўшма корхона бунёд этилади деб. Менимча бундай мажмуалар мустақиллигимиз неъмати, унинг меваларидир.

Шаҳрисабздаги «Садо» акциядорлик жамияти, Японияннинг «Мицибуси корпорейшн», Туркиянинг «Бурсел» холдинг компаниялари ҳамкорлигининг маҳсули бўлган қўшма корхонада шу кеча-кундузда 700 нафар маҳаллий йигит-қизлар меҳнат қилишаётир.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

✧✧✧

Дилшод ЮСУПОВ олган суратлар.

Қўшма корхона бош директори Исмоил Сари (ўнгда) ва ўринбосари Зайниддин Боқиев.

Йигирув цехида.

Музей билан танишув

19 февраль куни мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов пойтахтимиздаги Ўзбекистон тарихи давлат музейини бориб кўрди.

Мазкур музей 1992 йили ҳукуматимизнинг қарорига мувофиқ ташкил этилган бўлиб, мамлакатимизнинг йирик илмий-тадқиқот, маданий-маърифий муассасаларидан биридир.

Умумий сатҳи қарийб икки минг квадрат метрни эгаллаган ва беш мингга яқин ноёб экспонат жамланган ушбу музей Ўзбекистон халқининг энг қадимги даврларидан бугунги кунигача бўлган улкан тарихидан ҳикоя қилади.

Музей билан танишар экан, Президентимиз залларнинг жиҳозланиши, экспонатларнинг жойлаштирилиши юзасидан ўз мулоҳазаларини баён қилди. Таклифларини айтди. Бу ердаги ҳужжат ва ашёлар нафақат мутахассислар, балки кенг жамоатчилик қизиқиб томоша қиладиган, ўрганадиган ҳамда жаҳон аҳли тарихимизни эътироф этадиган даражада мукаммал бўлиши зарурлигига эътиборни қаратди.

— Музей — халқ тарихининг кўзгуси эканлигини назарда тутсак, у шу халқнинг фарзандлари — келажак авлод қалбида фахр-ифтихор туйғусини уйғота олиши керак, — деди Ислом Каримов. — Бизнинг вазифамиз эса буюк тарихимизни мана шундай маърифий масканлар ёрдамида авлодларимизга тўлалигича етказиб беришдан иборат.

Давлатимиз раҳбари музейнинг фахрий меҳмонлар китобига дастхат ёзиб қолдирди.

(ЎзА)

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

1. Вазирлар Маҳкамаси қайд этадики, 2002 йилда иқтисодий ислоҳотларни эркинлаштириш, чуқурлаштириш, иқтисодиётни барқарор ва мутаносиб ўстиришни таъминлаш йўли изчил ва аниқ мақсадга йўналтирилган ҳолда амалга оширилди. Натижада:

кўп укладли иқтисодиёт фаол шакллантирилмоқда, тадбиркорлик фаолиятини рағбатлантириш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш, корхоналарнинг иқтисодий эркинлигини кенгайтириш, хусусий сектор улушини кўпайтириш чора-тадбирлари амалга оширилди;

ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 104,2 фоизни, саноатда 108,5 фоизни, қишлоқ хўжалигида 106,1 фоизни, чакана товар айланмаси 101,7 фоизни ва аҳолига пуллик хизматлар кўрсатиш 108,3 фоизни ташкил қилди. Аҳолининг ўртача жон бошига даромадлари 12,6 фоизга ўсди. Ташқи савдода 276,4 млн. АҚШ доллари миқдорида ижобий сальдога эришилди;

қатъий пул-кредит сиёсати ўтказилиши ҳисобига инфляциянинг ўртача ойлик ўсиш суръати 1,6 фоиз даражасигача камайди, пул массасининг ўсиш суръатлари пасайди, давлат бюджети ялпи ички маҳсулотга нисбатан 0,8 фоиз миқдорида тақчиллик билан ижро этилди;

иқтисодиётнинг реал сектори базавий тармоқларига инвестиция жалб этиш сиёсати изчиллик билан ўтказилмоқда, юқори технологияларга асосланган ва рақобатбардошли маҳсулот чиқарувчи ишлаб чиқаришлар ишга туширилди;

иқтисодий ночор, зарар кўриб ишлаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ва тугатиш чора-тадбирлари таъминланмоқда. 304 корхона зарар кўриб ишлаш ҳолатидан чиқарилди, 154 корхона бўйича турли банкротлик тартиботлари амалга оширилди;

давлат ва назорат органларининг корхоналарнинг хўжалик фаолиятига аралашиши камаймоқда;

корхоналарнинг биржадан ташқари валюта бозорига кириб бориши анча эркинлаштирилди, юридик шахслар учун хорижий валютани конвертациялаш ва сотиб олиш тартиби бирмунча соддалаштирилди.

Шу билан бирга, иқтисодиёт тармоқларида ва ижтимоий соҳада ислоҳотлар йўлида тўсиқ бўлаётган ҳал қилинмаган масалалар ва муаммолар мавжудлигича қолмоқда.

Иқтисодиётнинг кўпгина тармоқлари ва соҳаларида — қишлоқ хўжалигида, капитал қурилишда, коммунал хизмат кўрсатишда ва умуман, иқтисодиётда иқтисодий ислоҳотлар пала-партишлик билан амалга оширилмоқда, ҳали мантиқий якунига етказилмаган, бу эса амалда кўрилаётган чора-тадбирлар самарасини пасайтирмоқда.

Хусусийлаштириш кўп ҳолларда расмиятчилик билан амалга оширилмоқда. Корпоратив бошқариш принципларига риоя этилмаяпти. Уюшма ва компаниялар корхоналарнинг хўжалик фаолиятига ҳамон аралашмоқда, турлича тартибга солиш ишларини давом эттиришмоқда.

Кўпгина корхоналар бозор шароитларига ва талабларига ниҳоятда сусткашлик билан мослашмоқда. Паст сифатли, талаб катта бўлмаган маҳсулотлар ишлаб чиқариш давом этмоқда, бир қанча тармоқларда паст рентабелли ва зарар кўриб ишлаётган корхоналар улуши юқорилигича қолмоқда.

Ички бозорни сифатли, энг аввало, мамлакатимизда ишлаб чиқарилган истеъмол товарлари билан тўлдириш ниҳоятда қониқарсиз таъминланмоқда, улгуржи ва чакана савдо тизими суст ташкил этилган, товарларнинг республика бозорларига ноқонуний, контрабанда йўли билан кириб келиши ҳолларига барҳам берилмаган.

2. Вазирлар Маҳкамаси комплекслари раҳбарлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари минтақаларда, иқтисодиёт тармоқлари ва секторларида иқтисодий ислоҳотлар якунларини танқидий кўриб чиқсинлар, Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузасида қўйилган вазифаларни рўёбга чиқариш юзасидан амалий чора-тадбирлар ишлаб чиқилишини таъминласинлар.

3. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов маърузасида баён қилинган талаблардан келиб чиққан ҳолда қуйидагилар ҳал этилиши учун 2003 йилда саъй-ҳаракатлар ва ресурслар жамланадиган, иқтисодиётни янада эркинлаштириш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишлари этиб белгиласин:

иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишдаги пала-партишликни тугатиш ва, биринчи навбатда, мамлакат иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кучайтириш;

хусусийлаштиришда расмиятчиликдан реал хусусийлаштиришга ўтиш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг устав сармоясида давлатнинг улушини тубдан қисқартириш, бошқарувнинг корпоратив тизимини мустаҳкамлаш, акциялаштирилган жамиятни бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш, хўжалик бирлашмаларининг корхоналарнинг молия-хўжалик фаолиятига ноқонуний аралашишини тугатиш;

қишлоқда бозор муносабатларини чуқур жорий этиш, бозор хусусиятига эга бўлган ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқарувчилари фаолиятининг эркинлигини чекламайдиган принципиал жиҳатдан янги баҳолаш мезонларига ўтиш, қишлоқ хўжалигини бошқариш тизимини тубдан қайта кўриб чиқиш;

(Давоми 2-бетда.)

● ШАРҲ

Муддао — аҳолига қулайлик

«...Савдо корхоналари ва хизмат соҳасининг одамларга қулай равишда, оқилона жойлаштирилишига катта эътибор бермоқ зарур. Аҳоли ўзининг кундалик, ҳаётий муҳим эҳтиёжларини қондиришда қийинчилик сезмаслиги лозим...»

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ўтган ҳафта 13 февраль санаси билан эълон қилинган ***«2003-2006 йилларда чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоқларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»****ги қарори мамлакатимиз аҳли турмуш тарзи фаровонлиги йўлида қилинаётган беқиёс ғамхўрликларнинг яна бир намунаси бўлди.*

Эътибор қилган бўлсангиз, унда Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзбексавдо», «Ўзбекбирлашув» компаниялари, «Маиший хизмат маркази» очиқ акциядорлик жамияти, «Савдо», «Матлуботсавдо» ҳудудий компаниялари, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш уюшмалари, Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Савдо, хизматлар соҳаси ва халқ истеъмол товарлари ишлаб чиқариш департаменти олдига ўта муҳим ижтимоий вазифалар қўйилди. Чунки, бугунги кунда айни ҳокимликлар ва номлари ҳозир бирма-бир санаб ўтилган маҳкамаларгина аҳолини кундалик истеъмол молларига бўлган талаб ҳамда эҳтиёжларини қондиришда, ижтимоий-маиший хизматларнинг хилма-хил турлари билан боғлиқ структураларнинг бетўхтов ишлашини таъминлашда чакана савдо, умумий овқатланиш ҳамда маиший хизмат кўрсатиш корхоналари хизматларига бўлган эҳтиёжини янада тўлиқ қондириш, уларнинг тармоғини, айниқса, хизматлар кўрсатиш даражасини республика бўйича ўртача даражадан паст бўлган минтақаларда янада кенгайтириш кўзда тутилди. Бунинг замирида кундалик моллар турларининг кўпайиши, аҳолининг кенг қатлами харид қилишга қурби етадиган даражада арзон бўлиши лозимлиги ётганини ҳам илғаш қийин эмас.

(Давоми 3-бетда.)

BUSINESS BANK

Бизнес Банк

Энг яхши анъаналарда

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида Ўзбекистон Республикаси давлат мулкини бошқариш ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасининг

Хусусий сектор — устувор йўналиш

мавзуида матбуот анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда республика Президентининг ***«Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»****ги Фармонини тушунтириш ва унинг ижросини таъминлаш масаласи кўриб чиқилди. Шунингдек, фармонга кўра, хусусий тадбиркорликни кенг кўламда ривожлантириш, хусусий мулкчиликка асосланган, жумладан, давлат мулкини хусусийлаштириш натижасида корхоналарни ташкил қилиш ва шу асосда иқтисодиёт таркибида хусусий секторнинг улушини сезиларли даражада ошириш — мамлакатда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотлар ва бозор ўзгаришларининг ғоят муҳим устувор йўналишлари, деб белгиланганлиги таъкидланди.*

Анжуманда Давлат мулк қўмитаси раиси М.А.Асқаров оммавий ахборот воситалари вакилларининг кўплаб саволларига жавоб берди.

Робия ХУДОЙБЕРДИЕВА

● ОБОД МАҲАЛЛА — МАМЛАКАТ КЎРКИ

Файзи бобонинг файзли ишлари

Суратга яхшилаб қаранг: юзларидан нур, кўзларидан сурур ёғилиб турган отахонга неча ёш берасиз?

Набиралари қуршовида ниҳолларга шакл бераётган отани нари борса 60 атрофида дерсиз. Йўқ, нақ етмиш биринчи баҳорига пешвоз чиқаяпти у. Касби — этикдўз, аммо боғдорчиликни жон-дилидан суяди.

Ангор тумани маркази — Ангор қўрғонида уни танимаган киши йўқ. Қўрғоннинг «Наврўз» маҳалласида яшаб, нафақада бўлишига қарамай ҳам касбини, ҳам боғбонликни қиёмига етказиб уддалаётган ота етти нафар фарзанднинг отаси ва ўн тўрт набиранинг бобоси ҳам.

Дарвоқе, Файзи бобо Йўллиев Ватан ичра мўъжаз Ватан — маҳаллани доимо кўм-кўк, яшнаб туришини истайди. Қачон қараманг, ёшларга ва ўз ўғил-қизларига кўчат экиш, гул парваришлаш, ҳовли атрофини тоза, озода, саронжом-саришта тутиш сир-асрорларини ўргатаётганда учратасиз. Қатор йилларки, отахон бошлиқ оила ҳовлиси маҳаллада энг намунали ҳовли сифатида тан олиниб келиняпти.

Замон АЛИ

✧✧✧

Суратда: *Файзи бобо Йўллиев невараларига довдарахтларга шакл беришни ўргатмоқда.*

Ш. ШАРОПОВ (ЎзА) олган сурат

Мулоқотда муаммолар ечими

Навоий вилоят ҳокимлиги меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятлари билан ишлаш, уларда кўтарилган муаммо ҳамда таклифларни ўз вақтида ҳал этиш борасида қатор хайрли ишларни амалга ошираяпти.

Ҳокимликда фуқароларнинг алоҳида қабул куни бўлиб, у ҳар ҳафтанинг шанба кунига белгиланган. Бундан ташқари, оммавий ахборот воситаларида ҳам алоҳида юзма-юз, мулоқот тарзидаги қабул соатлари уюштирилиб, халқ эътирози, таклиф ва мулоҳазалари ўрганилмоқда. Яқинда вилоят маҳаллий телевидениеси орқали ўтказилган икки соатлик телемулоқот фикримиз далилидир. Унда иштирок этган вилоят ҳокими Б.Рўзиев телефон қўнғироқлари орқали олинган юзга яқин саволга жавоб қайтарди. Болалар спорти, уй-жой муаммоси, маҳаллалардаги айрим салбий ҳолатларга ҳамда бозорлардаги ғайриқонуний масалаларга оид кўплаб таклифлар, мулоҳазалар масъул идора ва ташкилотларга ҳал этиш учун юборилди.

Бу каби телемулоқот ҳоким таклифи билан ҳар ойда бир маротаба ўтказиладиган бўлди. Унда нафақат ҳокимнинг ўзи, балки ҳуқуқ-тартибот органлари, тегишли идора ва ташкилотлар раҳбарлари ҳам иштирок этишади.

Музаффар ШАРОПОВ

БИЗ



Матлаб бир бўлмаса — жам бўлмагаймиз,
Жам бўлсак — бошимиз хам бўлмагаймиз.
Жам қилсак инсофу диёнатни ҳам,
Дунёда ҳеч кимдан кам бўлмагаймиз.

Абдулла ОРИПОВ
2003 йил, 17 февраль

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИНИНГ ҚАРОРИ

2002 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2003 йилда ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда.)

иқтисодиётнинг барқарор ва мутаносиб ўсишини таъминлаш, қатъий пул-кредит сиёсатини ўтказиш, инфляция даражасини кескин қисқартириш, миллий валютанинг барқарорлигини таъминлаш;

солиқ-бюджет соҳасида ислоҳотларни чуқурлаштириш, давлат харажатларини сарфлаш механизмини мақбуллаштирган ҳолда уларни қисқартириш;

республика ҳудудига истеъмол товарлари ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишига йўл қўймаслик, товарларни республикада ишлаб чиқариш кенгайтирилишини рағбатлантириш юзасидан аниқ чора-тадбирларни амалга ошириш ва шу асосда ички истеъмол бозори тўлдирилишини таъминлаш, савдони ташкил этиш тизимини такомиллаштириш;

валюта бозорини янада эркинлаштириш, жорий операциялар бўйича миллий валютанинг эркин конвертацияланишини таъминлаш;

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини амалга оширишни давом эттириш, ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, касб маҳоратини ўстиришни рағбатлантириш бўйича яхлит тизимни яратиш;

қабул қилинган ижтимоий дастурларни, биринчи навбатда аҳолининг ижтимоий ночор табақаларини аниқ тарзда қўллаб-қувватлаш, соғлом авлодни тарбиялаш, «Обод маҳалла йили» ва бошқа дастурларни рўёбга чиқариш асосида аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган ижтимоий сиёсатнинг таъсирчанлигини ва аниқ тарзда қўллаб-қувватлашини кучайтириш.

4. Давлат мулки қўмитаси (Асқаров), бошқарувнинг тармоқ органлари раҳбарларининг эътибори хусусийлаштиришдан кейинги даврда корхоналар фаолияти, давлат мулкидан фойдаланиш самарадорлиги устидан зарур назоратнинг мавжуд эмаслигига, корхоналарни акциялаштириш жараёнларига инвесторларни жалб этиш, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятларида давлатнинг ишончли вакиллари ва ишончли бошқарувчиларни танлаш ишларининг сустлигига қаратилсин.

Хусусийлаштирилган корхоналарни бошқаришни такомиллаштириш масалалари бўйича махсус комиссия (Азимов), Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлар ва идоралар билан биргаликда:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон иқтисодиётида хусусий секторнинг улуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил 24 январдаги ПФ-3202-сон Фармони талабларини амалга ошириш юзасидан комплекс амалий чора-тадбирлар кўрилишини;

хусусийлаштирилган корхоналар, акцияларида давлат улуши бўлган акциядорлик жамиятлари, ишончли бошқарувчилар ва давлатнинг ишончли вакиллари фаолияти устидан 2003 йилнинг биринчи чорагида мониторинг тизими жорий этилишини;

қимматли қоғозлар билан битишувлар фақат уюшган фонд бозорида тузилишини, савдоларнинг ошкоралиги ва қулайлигини назарда тутган ҳолда қимматли қоғозлар иккиламчи бозорини такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар амалга оширилишини таъминласинлар.

Амалга оширилган ишлар натижалари тўғрисида 2003 йил I ярим йиллиги якунлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

5. Адлия вазирлиги Давлат мулки қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига акцияларнинг давлатга тегишли пакетларини хўжалик бирлашмаларининг ишончли бошқарувига бериш амалиётини бекор қилувчи, ишончли бошқарувчиларни тайинлаш тартибини ва уларнинг масъуллиятини аниқ тартибга солувчи, хусусийлаштирилган корхонани корпоратив бошқариш механизмини аниқ регламентловчи қонунчилик ва норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш бўйича таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги ҳузуридаги Иқтисодий ночор корхоналар ишлари қўмитаси (Саидова):

Олий хўжалик суди (Абдусаломов) билан биргаликда Иқтисодий ночор ва зарар кўриб ишлаётган корхоналарни тугатиш ҳамда таркибий ўзгартириш бўйича қабул қилинган дастурни сўзсиз бажариш, иқтисодиётнинг реал секторларида молиявий аҳволни соғломлаштириш ишларини фаоллаштирсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси, Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда ижтимоий соҳа объектларини жойлардаги ҳокимият органлари балансига бериш ва тасдиқланган таркибий ўзгартириш дастурига эга бўлган корхоналарнинг фойдаланилмаётган қувватларини консервация қилиш, шунингдек зарар кўриб ишлаётган хусусийлаштириладиган корхоналар мол-мулкини баҳолаш механизмини такомиллаштириш юзасидан бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ер ресурслари давлат қўмитаси, Адлия вазирлиги, Олий хўжалик суди норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштиришни ҳисобга олган ҳолда, бир ой муддатда шартномалар тузилиши ва аниқ субъектлар – қишлоқ хўжалиги маҳсулоти ишлаб чиқарувчилар ва қишлоққа хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўртасида мажбуриятларга риоя этилиши ҳолати устидан пухта текшириб борувчи аниқ механизм барпо этилишини, уларнинг бажарилиши учун масъулият оширилишини назарда тутган ҳолда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етказиб бериш юзасидан амалдаги намунавий шартномаларга ўзгартиришлар киритсинлар.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва унинг жойлардаги органлари барча даражаларда шартномаларнинг сифати ва тузилган шартномаларнинг мажбурий бажарилиши устидан назоратни кучайтирсинлар.

8. Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги мавсум оралиғидаги даврда агротехника ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини ташкил этишга доир илғор тажрибани ўрганиш учун фермерларни хорижий мамлакатларга юборишни амалда кенг қўлласин.

9. Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига паррандачиликни ривожлантиришни янада жадаллаштириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин, тармоқ корхоналарининг ҳудудлар бўйича оқилона жойлаштирилишини, озуқа базасини мустаҳкамлашни ва маҳсулот етиштириш ҳажмини кўпайтиришни назарда тутсин.

10. Молия вазири М.Б.Нурмуродов бошчилигидаги махсус комиссия жорий йилнинг 15 апрелигача қурилиш қиймати ўсишига таъсир кўрсатувчи омилларни чуқур ўрганиб чиқсин, ўтказилаётган танлов савдолари натижаларини, қурилиш материаллари ва асбоб-ускуналарни харид қилишнинг шаклланган тизимини танқидий баҳоласин ҳамда ушбу масалалар юзасидан Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

11. «Даврархитектқурилиш» қўмитаси (Тохтаев), «Ўзқурилишматериаллари» акциядорлик компанияси (Акрамов), Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига тендер савдолари расмиятчилик билан ўтказилишини бартараф этишда, пудрат ишлари бозорини яратишда, нархларни шакллантириш тизимида, ассортиментни янгилашда, маҳсулотнинг импортнинг ўрнини босувчи турларини ишлаб чиқаришни кўпайтиришда ижобий силжишларнинг мавжуд эмаслиги кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (К.Н.Тўлаганов) бир ой муддатда капитал қурилишдаги ишларнинг аҳволини тубдан ўзгартириш юзасидан Ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари билан биргаликда 2003-2005 йилларда қишлоқ аҳоли пунктларини ичимлик суви ва табиий газ билан таъминлаш дастурининг мўлжалланган параметрларини танқидий қайта кўриб чиқсин ҳамда айниқса газ ва сув қувурлари тармоқлари билан таъминланганлик даражаси паст минтақаларда уларни ишга туширишни жадаллаштириш юзасидан реал молиявий манбалар билан таъминланган қўшимча чора-тадбирлар кўрсин.

13. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, «Ўзкоммунхизмат» агентлиги 1991 йилгача қурилган кўп квартирали уйларни мукаммал таъмирлаш бўйича йўл қўйилган қолоқликни тўлдиришни ҳисобга олган ҳолда 2003 йил учун тасдиқланган жадвалнинг, уй-жой фондини табиий газ ва сувни ҳисобга олиш приборлари билан жиҳозлаш бўйича топшириқларнинг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар.

14. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республикага истеъмол товарларининг ноқонуний, контрабанда йўли билан олиб келинишининг олдини олиш масалалари бўйича Давлат божхона қўмитаси бўлинмалари билан ўзаро ҳамкорликни кучайтирсинлар.

15. Вазирлар Маҳкамаси жорий йилнинг биринчи ярим йиллик якунлари бўйича улгуржи ва чакана савдони тартибга солишга, республика ҳудудида улгуржи базалар, дўконлар, умумий овқатланиш ва маиший хизмат кўрсатиш корхоналари тармоғини ривожлантиришга қаратилган қабул қилинган Ҳукумат қарорлари бажарилишини кўриб чиқсин ҳамда зарурат бўлганда тегишли тузатишлар киритсин.

16. Қуйидагиларнинг:

«Кўмир» акциядорлик бирлашмаси (Клименко), «Махсусқотишма» республика ташкилоти (Шарипов), «Ўзмашсаноат» уюшмаси (Набиев), «Ўзкимёсаноат» (Ҳасанов), «Ўзбекнефтгаз» (Мажитов), «Ўзбекенгилсаноат» (Исмоилов) компаниялари раҳбарларининг эътибори – корхоналарнинг экспорт салоҳиятини ривожлантиришда ташаббускорлик ва тадбиркорликнинг йўқлигига, экспортга маҳсулот етказиб бериш прогноз ҳажмлари таъминланмаганлигига;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси (Тангирберганов), Андижон (Обидов), Бухоро (Ҳусенов), Наманган (Жабборов), Самарқанд (Мирзиёев), Тошкент (Мирзақулов), Фарғона (Отабоев) вилоятлари ва Тошкент шаҳри (Шоабдураҳмонов) ҳокимларининг эътибори – коммунал хизматлар кўрсатиш соҳасида рақобат муҳитини яратиш, қарзларни камайтириш ишларининг етарли эмаслигига қаратилсин.

Кўрилган чора-тадбирларнинг натижалари тўғрисида 2003 йил биринчи ярим йиллигидаги иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

17. Икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов бошчилигида республикада кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини оширишнинг яхлит тизимини барпо этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқиш бўйича махсус комиссия ташкил этилсин. Ушбу комиссия таркибига ўз ходимлари малакасини оширишдан бевосита манфаатдор бўлган уюшмалар, корпорациялар, концернлар, компаниялар, бошқа хўжалик бирлашмалари ва корхоналарнинг, шунингдек кадрлар малакасини ошириш ва уларни ўқитиш жараёнини ташкил этишни таъминлаш мумкин бўлган ташкилотларнинг вакиллари киритилсин.

Комиссия:

икки ой муддатда кадрлар, энг аввало ишчи кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тармоғини барпо этиш ва унинг самарали ишлаши юзасидан аниқ дастурни ишлаб чиқсин;

кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш жараёнига Ўзбекистонда ҳозир бўлган йирик хорижий компанияларни ҳамда бошқа хорижий шерикларни, шунингдек халқаро молиявий тузилмаларнинг грантлари ва техник ёрдамини жалб этиш юзасидан фаол иш олиб борсин.

Амалга оширилган ишларнинг натижалари тўғрисида 2003 йилнинг биринчи ярим йиллигидаги иш якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Адлия вазирлиги, Давлат тест маркази, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари республика комиссияси ва минтақавий комиссиялар тузсинлар ва икки ой муддатда:

махсус ишлаб чиқилган тест дастурлари асосида халқ таълими вилоят бошқармалари, туман ва шаҳар бўлимлари ходимларини аттестация натижаларига кўра аттестация натижаларига кўра уларнинг профессионал таркиби кучайтирилишини ва контракт асосида янги меҳнат шартномалари тузилишини таъминласинлар;

умумтаълим мактаблари ўқитувчилари таълим ва касб даражасининг ўқитувчиларга қўйиладиган малака талабларига мувофиқлигини, уларнинг самарали фаолият кўрсатишлари ва касб тайёргарлигини оширишлари учун шарт-шароитлар ва рағбатлар мавжудлигини ўрганиб чиқсинлар. Ўрганиш натижаларига кўра ҳар бир мактаб, туман ва минтақа бўйича вужудга келган аҳволни яхшилаш юзасидан тегишли чора-тадбирларни ишлаб чиқсинлар ва амалга оширсинлар;

педагог кадрларнинг асосий фаолияти, қайта тайёргарликдан ва малака оширишдан ўтиши натижаларига кўра уларга тоифалар бериш механизми бўйича таклифлар киритсинлар.

19. Вазирлар Маҳкамасининг Ижтимоий комплекси (Кароматов), Ахборот-таҳлил бошқармаси (Хўжаев), «Ўзтелерадио» компанияси (Кўчимов), Матбуот ва ахборот агентлиги (Шоғуломов) мамлакат иқтисодиётини ислоҳ қилиш жараёнларини оммавий ахборот воситаларида холисона, малакали ва чуқур ёритиш мақсадида:

ушбу ишга вазирликлар, идоралар, маҳаллий ҳокимият ва бошқарув органлари раҳбарлари ва етакчи мутахассисларини, фан ходимларини ва жамоатчилик вакилларини кенг жалб этсинлар;

ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ихтисослашаётган журналистлар учун мунтазам равишда семинарлар ташкил этсинлар, уларни тегишли статистика маълумотлари ва бошқа маълумотлар билан таъминласинлар.

20. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги (Бегалиев), «Ўзагромашсервис» уюшмаси (Нишонов), «Ўзқишлоқхўжаликмаш-ҳолдинг» компанияси (Матчонов) 2003 йил 15 мартгача баҳорги дала ишларини ўтказиш учун зарур бўлган барча қишлоқ хўжалиги техникаси, 1 майгача эса – ғалла ўрим-йиғим комбайнлари ва чорва озуқаси йиғиштириш техникаси тайёрлаб қўйилишини таъминласинлар.

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги экиш мавсуми бошлангунга қадар коллектор-дренаж ва суғориш тармоқларини тозалашни ва таъмирлашни, насос станциялари ва гидротехника иншоотларини таъмирлашни тугалласин.

«Ўзпахтасаноат» уюшмаси ҳамда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ғўзани жойлаштиришнинг тасдиқланган схемасига мувофиқ жорий йилнинг 1 мартигача юқори классли уруғлик чигит тайёрлаб қўйилишини ва уларнинг ўз вақтида сифатли дориланишини таъминласинлар.

21. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири Ў.Т.Султонов зиммасига юклансин.

Ушбу қарорнинг бажарилиши йилнинг ҳар чорагида ҳамда 2003 йил якунлари бўйича Вазирлар Маҳкамаси мажлисларида кўриб чиқилсин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2003 йил 17 февраль.

ЎЗХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«Обод маҳалла йили»да

Партия ташкилотлари фаоллигини ошириш ва «Обод маҳалла йили» дастурини бажаришда иштирок этиш юзасидан ***Наманган туман партия кенгаши*** *жойларда тушунтириш ишларини олиб бормоқда.*

Олтиариқ тумани *Бўстон маҳалла ҳудудий партия ташкилотида бўлиб ўтган йиғилиш партия ташкилотининг 2002 йилдаги фаолияти якунлари ҳамда жорий йилда маҳалла ҳудудини ободонлаштириш, маҳаллада жиноятчиликнинг олдини олиш, ёшлар тарбиясига эътибор қаратиш ва тўй-ҳашамларни ортиқча дабдабаларсиз ўтказиш масалаларига бағишланди.*

Тўрақўрғон туман партия кенгаши, *туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маънавият ва маърифат» кенгашининг туман бўлими ҳамкорлигида ўтказилаётган учрашувларнинг бу галгиси «Шарқ» ва «Туркистон» маҳаллаларида бўлди. Уларда туман партия кенгаши биринчи котиби О.Охунов ва бошқа қатнашчилар Олий Мажлиснинг X сессиясида қабул қилинган қонунларнинг моҳияти тўғрисида гапириб, тушган саволларга жавоб бердилар.*

Оққўрғон туман партия кенгаши *ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳалла қўмиталари ҳамкорлигида «Маданият», «Навоий», «Султонобод», «Ўзбекистон» ва Охунбобоев номли ширкат хўжаликлари ҳудудий партия ташкилотлари фаоллари билан «ХДП аъзоларининг «Обод маҳалла йили» тадбирларида иштирокини фаоллаштириш вазифалари» мавзуидаги семинарларни ўтказди.*

Косонсой тумани*даги «Ҳуррият» маҳалласида, туман партия кенгаши ва «Маҳалла» жамғармаси туман бўлими ҳамкорлигида маҳаллаларда ёшлар билан ишлашни тубдан яхшилаш, болалар спортини ривожлантиришнинг амалий чораларини кўриш масалаларига бағишланган фаоллар йиғилиши ўтказилди.*

Маҳаллаларда спортни оммалаштириш мақсадида, ***Чортоқ туман партия кенгаши*** *ва туман спорт қўмитаси меҳнат жамоалари ўртасида мини-футбол мусобақаларини ўтказдилар.*

Маданий-маърифий тадбирлар

Риштон туман партия кенгаши *ёзувчи Алишер Ибодинов ва шоир Охунжон Ҳакимовларнинг туман саноат касб-ҳунар коллежи ўқувчилари билан учрашувини ташкил қилди. Ижодкорларнинг чиқишлари ёшларда чуқур таассурот қолдирди. Тадбирда ХДП Фарғона вилоят кенгаши биринчи котиби М.Исоқов иштирок этди.*

Оҳангарон шаҳар партия кенгаши*, «Оҳангарон ишчиси» газетаси таҳририяти ва «Нуроний» жамғармаси шаҳар бўлими ҳамкорлигида эълон қилинган «Қариялар – эл фахри, юрт ифтихори» мавзуидаги мақола ва фотосуратлар кўрик-танлови якунлари кўриб чиқилди. Танлов ғолиблари деб топилган жамоатчи мухбир Марат Раҳимов, таҳририят бўлим мудири Алишер Комилхонов ва мухбир Аъзам Саидовларга ҳомийларнинг мукофотлари топширилди.*

Бир неча йиллардан буён ***Қибрай туманида*** *Ш.Жамолова раҳбарлигида «Аёл қалби» ишонч маркази фаолият кўрсатиб келмоқда. Аёлларнинг жамиятдаги мавқеи ва фаоллигини ошириш, оилавий можароларни тинчлик йўли билан ҳал қилиш ишлари билан шуғулланиб келаётган ушбу марказ Қибрай туман партия кенгаши ҳамкорлигида «Оила ва аёл ҳуқуқлари» мавзуида «давра суҳбати» ўтказди.*

Андижон ип-газлама ишлаб чиқариш корхонаси *партия ташкилоти ташаббуси билан корхонада Алишер Навоий таваллудига бағишланган «Навоийхонлик» кечаси ташкил қилинди. Унда қатнашган меҳмонлар шоирнинг ғазалларидан баҳраманд бўлдилар.*

Улуғнор тумани *Марказий кутубхонаси партия ташкилоти ўтказган ана шундай кеча эса Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудига бағишланди.*

Партия ташкилотларида

Ўзбекистон ХДП Наманган вилоят кенгаши*нинг навбатдаги пленумида партия ташкилотларининг ўтган йилги фаолияти якунлари ва жорий йилдаги устувор вазифалар муҳокама қилинди.*

Элликқалъа туман партия кенгаши *пленумида ташкилий масалалар кўрилди. Ш.Кенжаев туман ҳокими ўринбосари вазифасига ўтганлиги муносабати билан, туман партия кенгаши биринчи котиби вазифасидан озод қилинди. «Камолот» ЁИҲ туман бўлими раиси лавозимида ишлаб келган Д.Худойберганова Ўзбекистон ХДП туман ташкилоти етакчиси этиб сайланди. Шунингдек, Д.Қобулов туман партия кенгаши котиби этиб сайланди.*

Пленумда Элликқалъа тумани ҳокими Н.Худойберганов ва ХДП Қорақалпоғистон Республика кенгаши котиби Э.Хошановлар иштирок этдилар.

Уйчи туман партия кенгаши*нинг кенгайтирилган йиғилишида партия ташкилотлари фаоллигини ошириш масалалари муҳокама қилинди.*

Андижон ва Наманган шаҳар, Кегейли, Чуст, Учқўрғон туман *партия кенгашлари томонидан ўтказилган тадбирлар миллий истиқлол ғояларини кенг тарғиб қилиш, мамлакатимиздаги парламент ислоҳотининг мазмун-моҳиятини фуқаролар ўртасида тушунтириш масалаларига бағишланди.*

● МУАММО

Сотилмай қолган «кумуш тола»лар



Пилла – йилнинг дастлабки ҳосили. Ишлаб чиқариш корхоналарида унга бўлган эҳтиёж ва талаб ҳали жойида. Ипак толасидан тикилаётган бежирим либослар, шоҳи-атласлар ҳамиша эгнимиз кўрки. Вилоятлардаги пиллани қайта ишлаш саноат корхоналарида минглаб одамлар меҳнат қилишаяпти. Аммо ишлаб чиқариш корхоналарига хомашёни етказиб берувчи пиллакорларнинг раъй пастлиги сир эмас.

Биргина Самарқанд вилояти Пастдарғом тумани пиллакорлари арз-додини эшитинг: 2002 йил май ойида қабул пунктларига 3020 қути ипак қуртидан саноат учун 105,9 тонна, уруғлик учун 39,6 тонна сифатли кумуш тола топширилди. Йиллик режа 109,6 фоиз уддаланди.

Мазкур ҳосил (2003 йил бошланди ҳамки, сотилмасдан) ҳануз «Пилла» очиқ турдаги акциядорлик жамияти омборхонасида «ётибди». Ургут туманига тегишли 12,6 тонна, Самарқанд туманига тегишли 7000 килограмм маҳсулот ҳам шу ерда. Пиллакорлар эса етиштирган ҳосиллари учун иш ҳақларини тинимсиз талаб қилишмоқда. Турли юқори ташкилотларга, маъмурий органларга мурожаат қилишаяпти-ю фойдаси бўлмаяпти.

Боз устига, кутилмаган муаммолар ҳам уларни ташвишга солмоқда. Масалан, хомашё қабул қилувчи билан уни қайта ишловчи корхоналар ўртасидаги дебитор ва кредитор қарзлари пиллакорларнинг иш ҳақларини пайсалга соляпти. Икки ўртадаги ўзаро шартнома шартларининг вақтида бажарилмаслиги масала моҳиятини чигаллаштирди. Кумуш толани қайта ишловчи «Ҳужум» корхонаси жойлардаги «Пилла» очиқ турдаги акциядорлик жамиятларидан катта миқдорда қарз. Оқибатда ишлаб чиқариш корхонасига бўлган ишонч йўқолди. Пиллани текинга бериш эса ҳеч кимга ёқмайди. Бу ҳақда Пастдарғом туман «Пилла» очиқ турдаги акциядорлик жамияти бош агрономи Сайдулла Нафасов куйиниб шундай дейди:

– Дарвоқе, пиллакорлар ҳақ. Ишлаган, тер тўкан одам пулини талаб қилади-да. Лекин уни сотиш масаласи муаммолигича турибди. Чунки, «Ҳужум» бизнинг жамиятдан қарз. 12 миллион сўм! Озмунча пул-ми? Шунча қарзи бор корхонага ким ишонади? Ҳатто идорамиз ходимлари ҳам бир неча ойдан буён ҳақ олишолгани йўқ. Пилланинг сифати эса кун сайин пасайиб бормоқда. Сифат пасайгандан кейин хоҳлайсизми-йўқми, даромад ҳам камаяди. Устига-устак, сўнгра ишлаб чиқарувчи корхона ҳам уни паст баҳода сотиб олади. Натижада, тунни тонгга улаб меҳнат қилган пиллакор ютқазади. Оқибатда моддий манфаатдорлик кўрмаган одамлар келгуси йил ипак қурти боқишдек машаққатни зиммасига олмайди... Бугунги кунда жамиятимиз пиллакорлардан 100 миллион сўмдан ҳам зиёдроқ миқдорда қарз. Ишлаб чиқариш корхоналаридаги ишчи-хизматчилар эса хомаёш йўқлиги туфайли бекор туришмоқда...

Энди бир тасаввур қилинг: сотилмай қолган кумуш толалар республика миқёсида иқтисодиётимизга қанчалар моддий зарар келтирмоқда? Маънавий зиёни-чи?

Эркин ТИЛЛАЕВ,
Гайрат БОБОҚУЛОВ,
Самарқанд вилояти,
Пастдарғом тумани.

«Учсой»нинг уч бойлиги



– «Учсой»имизнинг уч бойлиги бор, – деб ҳикоя қилади Муйноқ туманидаги «Учсой» посёлкасида жойлашган Шарқий Бердах газконденсати жамоаси бошлиғи Орол Ортиқов. Биринчиси – унда қўним топиб яшаётган одамлар, иккинчиси – ер ости бойлиги – газ заҳираси, учинчиси – бизнинг корхонамиз...

Бошлиқ тўғри таърифлади. Мамлакатимиз шимоли – Устюрт платоси ҳудудида яшаб, меҳнат қилаётган ҳар бир инсон борки, бу ердаги табиий ва экологик қийинчиликларга қарамай, ватанимиз иқтисодий салоҳиятини тобора ошириш йўлида астойдил тер тўкмоқдалар. «Учсой» замини қаъридаги табиий бойлик заҳираларидан кунига 15-16 тонна газ қазиб олиниб, қайта ишланиб ва ундан бир кеча-кунузда 700 000 кубметргача газ ажратиб олинаётгани ҳам эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Ниҳоят, бу ердаги аҳолини айниқса, ёшларни йил сайин янги-янги иш ўринлари билан таъминлаб, ер ости заҳираларини мамлакатимиз иқтисодиётига хизмат қилдираётган газконденсати корхонаси довруғини эса кўп эшитгансиз.

✧✧✧

Суратларда: *газконденсати корхонаси бошлиғи Орол Ортиқов ва жамоанинг илғор ишчиси Мурод Ҳайитбоев; корхона агрегатларидан бири.*

Омонбой МУРОДОВ (ЎзА) олган суратлар

«Независимый Узбекистан»

номли янги илмий-оммабоп луғати куни кеча мутахассислар, китобсеварлар вакилларига тақдим этилди.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети (ЖИДУ) томонидан нашр этилган ушбу китоб 1998 ва 2000 йилларда босиб чиқарилган «Мустақиллик» илмий оммабоп луғатининг ўзбекчадан рус тилига таржимаси эмас, балки янги асардир. Уни тайёрлаган 100 га яқин муаллифларнинг кўпчилигини мазкур университетнинг профессор ва ўқитувчилари ташкил этадилар. Луғатдан жой олган 170 тага яқин мақолаларни нашрга тайёрлаганлар орасида тарихчилар, иқтисодчилар, сиёсатшунослар, файласуфлар, тилчилар, диншунослар, жамоат арбоблари ва бошқа соҳаларнинг олиму мутахассислари бор.

Тақдимот маросимида сўзга чиққан университет проректори, профессор А.Бекмуродов, кафедра мудири, профессор Қ.Хонназаров (улар луғатни тайёрлаш ишларига раҳбарлик қилганлар ва унинг умумий таҳririни амалга оширганлар), Олий Мажлис қўмитаси раисининг ўринбосари И.Гофуров, Олий Мажлис қўмитаси раиси Н.Жўраев, «Экосан» халқаро жамғармаси президенти Ю.Шодиметов китобнинг долзарблиги ва ўта зарурлигини қайд қилишиб, унинг ўзагини миллий истиқлол ғояси, методологик асосини эса Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов асарлари ташкил этганлигини алоҳида таъкидладилар.

Луғат талабалардан тортиб то мактаблар, коллежлар, академик лицейлар ўқитувчилари, олий ўқув юртлари профессорлари ва хорижий дўстларгача бўлган кенг китобхонлар доирасига мўлжалланган. Мустақил Ўзбекистоннинг ўтмиши ва ҳозирги куни, тарихи, маданияти, маънавияти, иқтисодиёти, ички ва ташқи сиёсати билан қизиқувчи барча русийзабон ўқувчилар ундан қисқа ва лўнда, аммо бой мазмунли ахборотларни топа оладилар. Афсуски, китобнинг адади катта эмас, ҳаммаси бўлиб 1000 нусхани ташкил этади. Аммо ўйлаймизки, у келажакда қайта-қайта, балким тўлдирилган ва ўзгартиришлар киритилган шаклда нашр этилади.

Собир ШЕРАЛИЕВ

Конгрессменлар ўқуви



Associated Press агентлиги хабар беришича, Америка конгрессменлари кутилмаганда содир этилиши мумкин бўлган террорчилар ҳужумига қарши тайёргарлик кўришга кўрсатма олдилар. Махсус хизмат вакиллари ҳар эҳтимолга қарши дори-дармон, озиқ-овқат заҳираларини тайёрлаб, керакли ҳужжатларни йиғиб қўйишларини конгрессменларга уқтирдилар.

Ўтган ҳафта улар кимёвий ва бактериологик қуроллардан ҳимояланиш ва противогаздан фойдаланиш сирларини ўргандилар.

Истеъфога чиққач...

Бельгия олий апелляция суди Исроил бош вазири Ариэл Шарон истеъфога чиққач, суд қилишга қарор қилди, дея хабар беради BBC News.

Гап шундаки, 1982 йили Исроил Ливанни босиб олган пайтдаги фожиаларни ўз кўзлари билан кўрган ва бевосита гувоҳи бўлган 23 нафар фаластинликнинг аризасига биноан Бельгия апелляция суди шундай қарор чиқарди. Ариза муаллифлари Исроил бош вазирини геноцидда, ҳарбий жиноятчиликда, умуман инсониятга қарши жиноятлар уюштирганликда айбламоқдалар. Жумладан, «Сабр ва Шатиллдаги қочоқлар лагерларида 800 дан 2000 нафаргача бўлган одамнинг ўлимида ўша пайтда Исроил мудофаа вазири бўлган Шарон айбордир» демоқда улар. Исроилнинг ўша пайтдаги иттифоқчиси бўлмиш Ливан христианлар бригадаси ҳам оммавий қирғиннинг бевосита гуноҳкорларидир, дея ҳисоблашмоқда.

Ливан воқеаларидан сўнг Шарон истеъфога чиқишга мажбур бўлган эди.

Ўтган йили Бельгия судининг қўйи вакиллиги Шаронни Бельгияда суд қилмасликка қарор қилганди. Негаки, у ушбу давлатнинг фуқароси эмас. Бироқ, эндиликда Бельгия парламенти мамлакат қонунларига ўзгартиришлар киритди. Унга кўра, ҳарбий жиноятлар билан боғлиқ ишлар айбланувчи қайси давлат фуқароси бўлишидан қатъи назар (Бельгия судига шикоят қилинса бас) Бельгия судида кўрилиши мумкин.

Олий апелляция судининг қароридан сўнг Исроил ўзининг Бельгиядаги элчисини маслаҳатлашиш учун чақириб олди.

Метрода ёнғин

Жанубий Кореянинг Тегу шаҳри метро станциясида ёнғин содир этилиши оқибатида юздан ортиқ одам оламдан кўз юмди, яна юздан ортиғи эса дом-дараксиз, 138 нафари шифохоналарга ётқизилган, дейилади «Сеул ахборотномаси» сайтида.

Ёнғинни 46 ёшли Ким Дэ Хан содир этган, яъни метро поезди «Чунъанно» станциясида тўхтаган пайтда 10 литрли пластик идишдаги тез ёнувчи моддага ўт қўйиб, 100 кишилик вагонга отган. Ёнғин кейинги келган поездга ҳам ўтган. Станцияда 400 га яқин одам бўлган.

Уларни қутқариш ўта қийин кечди, негаки ҳамма ёқ қора тутун эди.

АҚШда қор бўрони

АҚШнинг ҳарбий қисми ва Атлантиканинг марказий қирғоқларида кучли қор ёғиши оқибатида ҳаёт мураккаблашиб бормоқда. Associated Press агентлиги берган хабарга кўра, 7 йилдан бери энди бундай воқеа содир бўлиши.

Мэриленд, Делавэр, Нью-Жерси, Кентукки штатларида ва шунингдек, Ғарбий Виржинияда фавқулодда ҳолат эълон қилинди. Ноқулай об-ҳаво 20 кишининг умрига зомин бўлди.

Қитъага ғарбдан катта атмосфера оқимининг бостириб кириши, кучли қор бўронни бошлаб берди. Ғарбий Виржиниянинг жанубий ва Теннесси штатларида сув тошқинлари юз берди. Мэриленд штатининг тоғли Гаррет округида ёққан қор 1,25 метрни ташкил этган бўлса (соатига 10 сантиметр қалинликда ёққан), Беркли округида (Ғарбий Виржиния) – 68 сантиметр, Пенсильвания ғарбида эса 1 метрга етди. Натижада 235000 киши электр энергиясиз қолди. Вашингтон, Филадельфия ва Нью-Йорк шаҳарларида аэропортлар ёпилди. Йўлларда автоҳалокатлар кўплаб содир бўлмоқда.

Муддао — аҳолига қулайлик

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Бунинг учун, қарорда назарда тутилганидек, чакана савдо, умумий овқатланиш ва аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхоналарини қуриш, реконструкция қилиш (таъмирлаш) ва жиҳозлаш – савдо, маиший хизмат кўрсатиш ташкилотлари ҳамда корхоналарининг, қолаверса, тадбиркорларнинг ўз маблағлари, шунингдек, тижорат банклари ва бошқа молия ташкилотларининг кредитлари ҳисобига амалга оширилиши белгилаб қўйилди. Барпо этилаётган ва келгусида барпо этилажак объектларни мавжуд савдо ҳамда хизмат кўрсатиш соҳасига эҳтиёж кўп (аҳоли пунктлари бўйича) туманлар, шаҳарлар, қишлоқлар, овулларга жойлаштириш зарурлигига алоҳида эътибор берилди.

Шу нуқтаи назардан, эндиликда бундай объектларни жойлаштириш (ташкил этиш) учун турар жой ва нотураржой биноларидаги мавжуд бўш майдонлар белгиланган тартибда хатловдан ўтказилади, объектлар қурилиши учун аҳолига қулай жойлардаги ер участкалари тадбиркорларга танлов асосида берилади. Бунинг учун объектларни қуриш лойиҳа-смета ҳужжатларини тегишли шаҳар, туман ҳокимликлари лойиҳалаш ташкилотлари билан биргаликда (мазкур ҳудуднинг бош режасига мос равишда) ишлаб чиқадилар. Уларда объектларни нафақат қуриш – реконструкция қилиш (таъмирлаш) ва жиҳозлаш ишлари ҳам назарда тутилади. Кўзланган мазкур юмушлар ижроси юзасидан йилнинг ҳар чорагида (чораклик тугагандан сўнг кейинги ойнинг 20-кунигача) Вазирлар Маҳкамасига ахборот берилади.

Чуқурроқ қарайдиган бўлсак, бу тадбирлардан – мулкчилик шаклидан қатъий назар, аҳолига хизмат кўрсатувчи ташкилотлар ўз мижозлари учун курашишлари, хизмат кўрсатиш маданияти ва хизматлар сифатини яхшилашлари кутилмоқда. Бошқача айтганда, ҳамма жойда, фаолиятнинг барча соҳаларида, биринчи навбатда ижтимоий соҳада моддий неъмат яратувчи ва хизмат кўрсатувчиларга нисбатан истеъмолчининг, талаб ва эҳтиёжи мавжуд бўлган Инсон манфаатларининг устунлигини қарор топтириш кўзда тутилган.

Кўриниб турибдики, мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсат мураккаб ўтиш даврида энг аввало, одамларнинг сермаҳсул меҳнат қилишлари учун яхшироқ имкониятлар яратишдан, уларнинг иқтисодий йўл танлаш ва фаолият кўрсатиш эркинлигига бўлган кафолатли ҳуқуқларини қарор топтиришдан, меҳнат ва ижтимоий фаоллигини оширишдан ҳам иборат.

Шунда ҳар бир кишининг меҳнати қадри ошиб, унинг ижодий фаолият кўрсатиш учун зарур бўлган имкониятлар ва шароитлар кўлами кенгаяди, ҳар бир кишининг иқтисодий эркинлиги – унинг ўз муваффақияти ҳамда юртининг ободлиги ва ўз оиласининг фаровонлиги учун иқтисодий масъуллиги билан ҳамоҳанг бўлиб боради.

Номоз САЪДУЛЛАЕВ

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

Ироқ: муддат узайтирилди

Маълумки, БМТ Хавфсизлик Кенгашининг 27 январь ва 5 февраль кунлари Ироқ муаммосига бағишланган мажлисларида Ироқда фаолият олиб бораётган халқаро инспекторларнинг якуний ҳисоботини 14 февралда эшитиш масаласи кун тартибига киритилган эди. Хавфсизлик Кенгашининг ўша қарорига биноан шу куни 110 кишидан иборат халқаро инспекторлар гуруҳининг раҳбари Ханс Бликс ва Халқаро атом энергияси агентлиги (МАГАТЭ) бошлиғи Муҳаммад ал-Барадейларнинг ҳисоботи тингланди. Reuters агентлиги берган хабарга кўра, мажлисда Сурия, Франция, Чили, Хитой, Испания, Буюк Британия, АҚШ, Россия ва Мексика давлатларининг ташқи ишлар вазирлари иштирок этди. Мажлисга Германия ташқи ишлар вазири Йошка Фишер раислик қилди.

Ироқда оммавий қирғин қуроллари бор-йўқлигини текшириш ва бу қуролларни қидириш борасида халқаро инспекторлар томонидан 11 ҳафтадан бери олиб борилаётган ишлар натижалари ўтган йил охирларида Бағдод тақдим этган ўзининг ҳарбий дастури тўғрисидаги декларация маълумотлари билан деярли мос келади.

Бироқ, тақиқланган қурол Ироқда борлиги ўтган ҳафтада барибир аниқланди. Бу гап «Al-Samaud-2» ва «Al-Fatah» баллистик ракеталарига тааллуқлидир.

Британиянинг The Times газетасида ёзишларича, ушбу ракеталар белгилаб қўйилганидек 150 эмас, балки 180 километр узоқликкача уча оларкан. Ваҳоланки, бу қуроллар бўйича БМТнинг чеклови эълон қилинган. Бундан ташқари, дейилади газетада, ракеталарга халқаро рухсатномасиз ўзгартиришлар киритилган.

Аммо Ироқ бош вазири Тариқ Азиз ўтган ҳафта Италияга ташрифи чоғида мазкур фактларни инкор этди.

БМТ Хавфсизлик Кенгаши мажлисида бир соатдан ортиқ маъруза қилган АҚШ давлат котиби Колин Пауэлл эса Ироқда тақиқланган ҳарбий ускуналар, баллистик ракеталар, оммавий қирғин қуролларига тааллуқли ва ядро қуролига оид компонентлар борлигини ошкор этувчи маълумотларга алоҳида тўхталиб ўтди. Буларни исботлаш учун у фазодан олинган суратлар, аудиоёзувлар, музокараларнинг матнларини намойиш этди. Бироқ яна шуни айтиб ўтиш лозимки, ал-Барадейнинг қайд этишича, Ироқда тақиқланган ядро қуроли соҳасига оид бирор-бир нарса топилмаган.

Баллистик ракеталарнинг учиш радиуси борасида аниқланган маълумотлар эса халқаро инспекторлар гуруҳи фаолиятининг муваффақиятини белгиласа-да, аммо бу Ироққа қарши ҳарбий операция бошлаш учун сабаб бўлолмайди, деди ал-Барадей. Ва у Ханс Бликс билан текширувни давом эттириш борасидаги таклифни ўртага ташлади.

Мажлисда иштирок этган БМТ Хавфсизлик Кенгашининг доимий аъзолари сўзга чиққанларнинг маърузаларини эшитгач, икки гуруҳга бўлиниб қолди. Айтиш мумкинки, Саддам Ҳусайн тузумига қарши ҳарбий аралашувни ёқловчилар ва инспекторлар фаолияти давом эттирилишини қўллаб-қувватловчиларга.

Франция ташқи ишлар вазири Доминик де Вильпен сўзга чиқиб, халқаро инспекция Ироқда яна фаолият юритишини, уларга яна бир ой муҳлат берилишини таклиф қилди. Бу таклифни Хитой ва Россия вакиллари қўллаб-қувватладилар. Россия ташқи ишлар вазири Игорь Иванов таъкидлашича, энди инспекторларнинг фаолияти янги йўналиш касб этади, яъни Американинг «U-2», Франциянинг «Мираж» ҳамда Россиянинг «Ан-30Б» самолётлари ёрдамида ҳаводан кузатувлар олиб борилади. Ва шундай қилинмоқда ҳам. Душанбада Американинг «U-2» разведкачи самолёти Ироқ осмонида 4 соатдан ортиқ парвоз қилиб, керакли объектларни суратга туширди.

Дарвоқе, шуни таъкидлаш керакки, Associated Press агентлиги берган маълумотга кўра, ўтган ҳафтанинг пайшанбасида Ироқ Президенти Саддам Ҳусайн оммавий қирғин қуролларини ишлаб чиқариш ва импорт қилишни тақиқлаш тўғрисидаги фармонга имзо чекди. Жума куни эса Ироқ парламенти ушбу фармонни сессияда кўриб чиқиб, қарор қабул қилди. Бироқ вазият бу билан юмшаб қолмаслигига Колин Пауэлл алоҳида урғу берди. «Саддам Ҳусайннинг Ироқ ҳудудида ядровий, биологик ва кимёвий қурол ишлаб чиқариш, уни четдан олиб келишни тақиқлаш тўғрисидаги фармони бугунги вазиятни ўзгартира олмайди. Негаки, бу фармон бир неча йиллар аввал қабул қилиниши керак эди» деди у. Демак, Ироқда қалтис вазият сақланиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам душанба куни кечқурун Брюсселда Европа Иттифоқига кирувчи давлатларнинг ҳукумат бошлиқлари учрашиб, ушбу масалани муҳокама этдилар. Саммит иштирокчилари бошқа чора қолмагачгина ҳарбий операция бошлаш мумкинлигини уқтирдилар.

БМТ Бош котиби Кофи Аннан эса белгиланган муддатда халқаро инспекция иши натижа бермаса, улар фаолиятини тўхтатишга тўғри келишини айтди.

The Washington Post газетаси сайтида берилган хабарда ёзилишича, АҚШ Президенти Жорж Буш Ироқ муаммосини дипломатик йўл билан ҳал этиш учун муддатни яна 2 ҳафтага чўзишга тайёр эканлигини билдирган. Бу даврда Саддам Ҳусайн мамлакатдаги мавжуд оммавий қирғин қуролларини ошкора ҳолда йўқ қилиши лозимлиги таъкидланди.

АҚШ Президентининг миллий хавфсизлик бўйича маслаҳатчиси Кондолизза Райснинг айтишича, февраль охирида Ханс Бликснинг ҳисоботи эшитилгач, унинг натижасига қараб «дипломатия эшиклари» ёпилади ёки очилади.

Яна бир гап. Ироқ 17 мартдан БМТнинг қуролсизланиш бўйича конференциясига бир ой давомида раислик қилиши лозим эди. Аммо Ироқнинг БМТдаги вакиллиги раисликни қабул қилишни рад этди. Сабаби ҳозирча тушунтирилгани йўқ. Ироқ 1986 йили ушбу конференцияга аъзо бўлиб кирган бўлса, ўшандан бери энди биринчи марта раислик қилишга навбат келувди.

Қисқаси, Wall Street Journal берган маълумотга таяниб шуни айтиш мумкинки, Вашингтон шу ҳафтада Ироқ муаммоси бўйича БМТ Хавфсизлик Кенгашига янги резолюция тақдим этади.

28 февралда эса Мисрнинг Шарм-аш-Шайх шаҳрида Араб давлатлари лигасининг Ироқ муаммоси бўйича навбатдан ташқари саммити бўлиб ўтади.

Кейинги воқеалар ривожи қай томон ўзгаришини балки шу янги резолюция ва саммит қарорлари белгилаб берар.

Алимқул СУЛТОН

Вакиллар таклиф этилди

Чеченистон Конституцияси лойиҳаси бўйича шу йил 23 мартда ўтказилиши мўлжалланаётган референдумда кузатувчи сифатида иштирок этиш, унинг мониторингини олиб бориш учун Россия Ташқи ишлар вазирлиги хориждаги кўпгина халқаро ташкилотларга таклифномалар жўнатди. Бу ҳақда Россия Федерацияси Президенти ёрдамчиси Сергей Ястржембский НТВ телеканалининг «Сўз эркинлиги» кўрсатувида маълум қилди. Унинг айтишича, Европа Иттифоқи, ЕХХТнинг Демократик институтлари ва инсон ҳуқуқлари бўйича Варшавадаги бюроси, Европада хавфсилик ва ҳамкорлик ташкилоти ҳамда МДҲдан вакиллар таклиф этилдилар.

● ФОТОАЙБНОМА

Кайковус ариғининг Чиғатой кўприги ёнидаги аҳволи

Ариқлар, ночор ариқлар

Оролни қутқариш халқаро фонди GEF Агентлиги

Сув – ҳаёт демакдир. Сув – зар, сувчи – заргар деган нақл ҳам бекорга айтилмаган. Чунки унинг ҳар қатраси зардек, тўтиёдек қадрли. Сув бор жой обод ва кўркам бўлади. Пойтахтимиз Тошкент ҳам сув мўл-кўллиги туфайли гўзал ва файзли. Бўзсув, Салор, Кайковус анҳорлари асрлар мобайнида тириклик манбаи бўлиб келган. Жумладан, Бўзсувни Тошкентнинг кумуш камарига ўхшатишади. Ундан қанча-қанча каналлар ажраб чиққан ва йиллар, асрлар давомида аҳоли улардан фойдаланиб келган. Ана шулардан бири Кайковусдир.

Кайковус канали неча асрлар муқаддам аҳоли бир қисмини сув билан таъминлаш, экинларни суғориш, шаҳарни обод қилишдек олижаноб мақсадни кўзлаб қазилгани маълум. Бу кўҳна канал Тахтапул мавзесида иккига бўлинади. Бир тармоғи – Қичқириқ канали Тошкентнинг қанча-қанча маҳаллаларини сув билан таъминлаб, охири қўшни Қозоғистон ерларигача етиб боради.

Асосий тармоқ Кайковус эса Чиғатойдан яна иккига бўлинади. Унинг бир тармоғи Фаробий кўчаси бўйлаб хонадонлар оралаб ўтиб, халқа йўлигача етиб боради ва ундан Қорақамиш каналига қуйилади. Иккинчи тармоқ – Кўкча ариғи эса маҳаллалараро ўтиб, Тақачи маҳалласигача бўлган жойларни суғоради.

Саратонда ариқлардан шалдираб оққан сув атроф-муҳитни салқин қилиши, экологик ҳолатни мўтадиллаштириб, атрофга ўзига хос файз, одамларга хушкайфият бағишлаб келган.

Афсуски, олдингдан оққан сувнинг қадри йўқ, - деганларидек сувга, оби ҳаёт манбаи бўлган ариқларга бефарқ қараш, аниқроғи, нописанд бўлиш ҳоллари учраб турибди. Бир пайтлар ота-боболаримиз, умуман халқимиз сувга энг муқаддас неъматлардан бири сифатида қараган-ку. Сувга чиқинди ташлаш нари турсин, туфлашни ҳам гуноҳи азим ҳисоблашган-ку. Бугун нега бу фазилатдан йироқлашаяпмиз? Нега ариқларга, сувга бешафқатмиз?

Биргина мисол, Кайковуснинг икки тармоғи бўйлаб юрсангиз айрим маҳаллалар аҳолиси уялмай-нетмай ариқларни ахлатхоналарга айлантирганини кўрасиз. Ариқлардаги темир-терсакларни, ҳар хил чиқиндиларни кўриб, дилингиз хуфтон бўлади. Наҳотки буни ҳеч ким кўрмаса? Ариқ ахлатхона эмас-ку, ахир?

Бир пайтлар ариқлардан зилол сув оққанда, уни лойқалатмаслик учун челак ботирилмасди, сув бошқа идишда олиниб, челакка қуйиларди.

Шундай экан, ҳар биримиз ариқларни тоза, озода, покиза бўлиши учун қайғуришимиз, жон куйдиришимиз керак эмасми? Қиш охирлаб қолди, ҳадемай баҳор келади. Ариқларда сув оқа бошлайди. Ҳар хил нарсалар, чиқиндилар сув тагида қолиб кетса, турли касалликлар келиб чиқиши мумкин. Тегишли идоралар, ташкилотлар, маҳаллалар оқсоқоллари, ҳар биримиз ҳозирдан ариқларни тозалаш масаласига жиддий эътибор беришимиз зарур.

Ҳозир бир касаллик пайдо бўлган: бирор юмуш ҳақида гап кетса, дарҳол маблағ йўқлиги баҳона қилинади.

Ахир қадим-қадимдан халқимиз арқ-зовурларни ҳатто каналларни ҳам ҳашар йўли билан тозалашган-ку.

Президентимиз таклифи билан 2003 йилни «Обод маҳалла йили» деб эълон қилинди. Шу йилда барча маҳаллалар бир ёқадан бош чиқариб оби-ҳаёт йўлларини тартибга келтиришса жуда савобли иш бўларди.

Юнус ЗИЁДОВ

Кўкча ариғининг «Ғунча» кинотеатри ёнидаги ҳолати

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

Олимнинг бадиий олами

ЁКИ АДАБИЁТШУНОС СОБИР МИРВАЛИЕВНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТИ ХУСУСИДА

Ҳар қандай бадиий асар танқидчи ёки адабиётшуноснинг тафаккур ойнасидан ўтиб, мулоҳаза билдирилгандагина чинакам баҳосини топади. Адабиётшуносни бу жиҳатдан заргарга қиёслаш мумкин, зеро зар қадрини заргар билади, дея бежиз айтилмаган. Таниқли адабиётшунос ва танқидчи Собир Мирвалиев ижодига бир назар ташлаб ўтиш асносида юқоридаги фикрга яна бир бор амин бўлдик.

Олимнинг адабиётшунослик оламига кириб келиши ўтган асрнинг 50-йилларига тўғри келади. У илк изланишлари билан ўша даврнинг забардаст адиблари Ойбек ва Мақсуд Шайхзода эътиборига тушди. Олимнинг энг кичик мақоласидан тортиб катта ҳажмли рисолаларига қадар ўзбек халқи ҳаётида миллий характерлар акс этган бадиий образларга қизиқиш руҳи ётади. Ҳассос танқидчининг адабиёт саҳнасида пайдо бўлган ҳар бир насрий асарга берувчи холис баҳоси ижодкорнигина эмас, балки бадиий сўз санъатининг барча ихлосмандларини қизиқтириб келади. Зеро, матбуот ёки бадиий нашрларда эълон қилинган ҳар бир асарнинг адабий жамоатчилик назаридан ўтишини ҳис қилган сезгир танқидчи муайян асарни баҳолаганда ўз муносабатини холис баён этади.

Сўнгги эллик йил ичида ўзбек адабиётшунослиги кўплаб тадқиқотчиларнинг бадиий сўз санъати ривожи масалаларига бағишланган турлича қарашлари, илмий хулосалари билан бойиди. Бинобарин, иккинчи жаҳон урушидан кейин адабиёт оламига кириб келган Шароф Рашидов, Иброҳим Раҳим, Мирмуҳсин, Саид Аҳмад, Одил Ёқубов, Пиримқул Қодиров, Ўлмас Умарбеков, Ўткир Ҳошимов каби сўз санъаткорлари роман, қисса ва ҳикояларининг шуҳрат топиши ва ўқувчилар орасида оммалашувида адабий танқидчилик муҳим аҳамият касб этди. Бу жараёнда Собир Мирвалиевнинг хизматларини алоҳида таъкидлаш керак. Тинимсиз мутолаа, изланишлар олим табиатига хос муҳим фазилат бўлиб, бу сифат унинг Тошкент давлат педагогика институтида Мақсуд Шайхзода қўлида таҳсил кўрган йилларида шакллана борган эди. Ёш, изланувчан тадқиқотчи устозидан бадиий адабиёт сирларини ўрганиш билан бирга, сўз санъатига илмий жиҳатдан ёндашиш, таҳлилда ҳалоллик ва бетарафлик тамойилларига риоя қилишни ўрганди.

У 1956 йили институтни тамомлагач, оз вақт ўрта мактабда, сўнг Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Тил ва адабиёт институти (ҳозирги Алишер Навоий номли тил ва адабиёт институти)да кичик илмий ходим бўлиб ишлади. Олимнинг «Адабий мерос ҳақида», «Уйғонаётган Шарқ поэзияси», «Фарҳод ва Ширин шеърий роман» сингари илмий тадқиқотлари тинимсиз изланишлар самараси сифатида юзага келди.

Собир Мирвалиев ўз ижодий фаолиятида ўзбек мумтоз адабиёти ҳамда замонавий адабиёт, қолаверса, Шарқ адабиётининг муҳим масалаларини ўрганишга эътибор қаратди. Натижада адабиётшуносликнинг ўз даври учун долзарб ҳисобланган «Фурқат ижодида Ҳиндистон», «Фурқатнинг чет эллардаги ҳаёти ва ижоди», «Ҳақиқат қўйчиси», «Важа Пшевала», «Робиндранат Тагор» каби ўнлаб мақолалар яратди. Ёш тадқиқотчи дунёқарашининг шаклланишида ўзи ишлаётган даргоҳнинг илмий муҳити, қолаверса Ойбек, Ғ.Ғулом, В.Зоҳидов, И.Султон, Ҳ.Зарипов, Ҳ.Ёқубов, А.Қаюмов каби олим ва етук ижодкорларнинг ҳиссаси бениҳоя катта. 1958-1963 йилларда академик ёзувчи Ойбекнинг ташаббуси ва етакчилигида юзага келган «Ўзбек тили ва адабиёти» журналининг масъул ходими вазифасида ишлаши ҳам бўлғуси олимнинг илмий-ижодий камолотида муҳим омил бўлди, маҳорат мактабини ўтади. У 1961 йили «Ўзбек адабиётида хорижий Шарқ халқлари ҳаёти ва курашининг ифодаланиши» мавзуида номзодлик ишини ёқлади. 1962 йилда мазкур тадқиқот «Ҳаёт ва кураш поэзияси» номи билан монография ҳолида чоп этилди. Китоб ўша даврда адабий жамоатчилик томонидан юқори баҳоланди.

Серқирра олим ўз илмий фаолиятида фақатгина ўзбек адабиёти масалалари билан чекланиб қолгани йўқ. Адабий алоқалар, халқ оғзаки ижоди ва замонавий адабиёт ўртасидаги узвий алоқа ва анъаналар масаласи анча кенг ўрин олган. «Тарихий роман ҳақида», «Афсоналар ҳақиқати», «Шеърий роман» каби мақолаларида бадиий сўз санъати ижтимоий онгнинг энг оммалашган шакли сифатида баҳоланиб, унинг ривожида халқ оғзаки ижоди ҳамиша сарчашма ролини бажарганлигини ишончли тарзда асослаб берди.

Профессор Собир Мирвалиев «Ўзбек адиблари» (XX аср ўзбек адабиёти) номли китобида ўзбек адибларининг ихчам ва илмий-адабий портретларини яратди. Жумладан, рисолада шўролар даврида қатағонга учраган толмас курашчи адибларнинг мураккаб ҳаёт йўли ва ижоди чуқур тадқиқ этилиб, улар ҳақида ўқувчиларга изчил маълумот берилган. Бу эса тадқиқотнинг ижтимоий аҳамиятини янада оширган.

Таниқли адабиётшунос олим узоқ йиллар давомида орттирган тажрибасини ёшларга ўргатиш мақсадида Абдулла Қодирий номидаги Тошкент давлат маданият институтида ҳозирги давр ўзбек адабиётидан сабоқ бериб келяпти.

Мамлакатимиз фани равнақига бекиёс улуш қўшиб келаётган заҳматкаш олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, филология фанлари доктори, профессор Собир Мирвалиевнинг ибратли ҳаёт йўли илм саманига кириб келаётган ҳар бир ёш тадқиқотчи учун ўзига хос намуна мактаби бўлиб хизмат қилади.

Эркин ХУДОЙБЕРДИЕВ,
профессор

ШЕЪР ВА ШУУР

Самолардан садолар келгай

Шоир ва драматург Ҳусниддин Шариповнинг илк шеърий китоби «Ниҳол» талабалик йилларида нашр этилган эди. Шундан сўнг унинг йигирмага яқин тўплами, икки жилдлик «Сайланма»си адабиёт ихлосмандларига тортиқ этилди. Ўнга яқин пьесалари пойтахт ва вилоят театрларида саҳналаштирилди.

У рус адабиётининг сара асарларини ўзбек тилига ўгирди. Шоирнинг «Ўша-ўша», «Сотволдидан салом», «Энг азиз» номли китоблари рус, урду, поляк, турк ва бошқа тилларга таржима қилинган.

Ҳусниддин Шарипов «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими» унвони ва «Меҳнат шуҳрати» ордени билан мукофотланган.

Қуйида шоирнинг янги шеърларини эътиборингизга ҳавола этамиз.

ДАҲОЛАР КЕЛГАЙ

Ҳаёт ишқи ёнар жонимда,
Босиб ҳоврим, саболар келгай.
Умр маҳзин чақар онимда
Улуғлардан нидолар келгай:

Имонингни авайлаб, Инсон,
Этар бўлсанг муҳаббат эҳсон,
Насибангдир ҳалол, тотли нон
Ва ҳаққинга дуолар келгай!

Бу сўз олтин баробар, дўстлар,
Кўнгил қушдай ҳаволар, дўстлар,
Алам-дардим даволар дўстлар,
Нигоҳимга зиёлар келгай.

Шукрларким, баланддир бошим,
Олисдан ҳам ярақлар тожим,
Бутун олам бўлиб қардошим,
Қаторимга даҳолар келгай.

Қулаб тоғлар, ғанимлар ғойиб,
Бу йўлдан ҳам ўтармиз ғолиб,
Ҳаёт мактаб, биз эса толиб
Самовотдан садолар келгай:

Имонингни авайлаб, Инсон,
Этар бўлсанг муҳаббат эҳсон,
Насибангдир ҳалол, тотли нон
Ва ҳаққинга дуолар келгай!

НАБИРАЛАР — БОЙЛИКЛАРИМ

(Бувижонлар қўшиғи)

Ўтса найлай кўкламларим,
Келса найлай кузларим ҳам.
Кўнглим менинг бўлмас ярим,
Ҳеч бўлмагай кўзларим нам.
Ҳар сония топгай қадр,
Қолмас бўшаб гулбоғларим:
Атрофимда парвонадир
Набиралар — ўртоқларим.
Сизлар борки, бўлмас адо
Тил учида болим менинг.
Гар этмасам жоним фидо,
Танг бўлғуси ҳолим менинг.
Олгай ҳаёт сиздан чирой,
Сиз — жонимга боғлиқларим
Олтин билан ким бўлгай бой,
Набиралар — бойликларим.

Дунё экан, бир кун қуёш,
Бир кун бошда булут бўлар.
Эъзоз топиб гоҳ бағритош,
Гоҳ нега дўст унут бўлар?!
Чин муҳаббат йўлларида,
Йўқдир менинг душманларим:
Кутгай мени гуллар ила,
Набиралар — гулшанларим.

СПОРТ

Голибликка даъвогарлар кўп

Пойтахтимиздаги марказий шоҳмот клубида Ўзбекистон чемпионати биринчи лига мусобақалари давом этмоқда. Эркаклар ўртасидаги баҳсларда барча вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси ва Тошкент шаҳридан 84 нафар шоҳмотчи қатнашаяпти. Олий лигада таниқли гроссмейстерларга қарши дона суриш ҳуқуқини берувчи уч йўлланма соҳиби 11 турдан сўнг аниқ бўлади.

Биринчиликда 17 нафар спорт устаси билан бир қаторда кўплаб умидли ва иқтидорли болалар ҳам ғолиблик учун кураш олиб боришмоқда. Ҳозиргача ўтган 6 турдан сўнг тажрибалилар устидан ғалаба қозонишга муваффақ бўлган 10-12 ёшли бухоролик Р.Ҳамроев, пойтахтлик А.Касьян, наманганлик Н.Сонлар юртимизда кўплаб иқтидорли шоҳмотчилар етишиб чиқаётганлигини кўрсатди. Кучлилар сафига қўшилиш учун эса А.Алибоев (Сурхондарё), А.Белкин (Чирчиқ), С.Умаров (Сирдарё), А.Филиппов (Тошкент), Ф.Сатторов (Бухоро), Ж.Ҳамроқулов (Самарқанд)лар асосий даъвогар бўлиб турибди. Улар жамғармасида 4-5,5 тадан очко бор.

Қизлар ўртасида эса ғолиб ва совриндорлар тўққизинчи турдан сўнг маълум бўлади. Эллик уч нафар иштирокчи орасида олий лигага бериладиган 3 йўлланма соҳибаси ким бўлишини мутахассислар аллақачон тахмин қилишмоқда. Биринчиликнинг дастлабки турларидан бошлаб муваффақиятли дона сураётган қашқадарёлик Сарвиноз Эргашева, жиззахлик Юлдуз Ҳамроқулова, тошкентлик Маҳфуза Шокировалар ҳозирча пешқадамлик қилмоқда.

Суратда: *мусобақа қатнашчиси қаршилик умидли шоҳмотчи Анвар Ражабов (ўнгда).*

Аёллар футболи: қураъ ташланди

Маълумки, шу йил 17-30 апрель кунлари Таиландда аёллар ўртасида футбол бўйича навбатдаги Осиё чемпионати ўтказилади. Ўтган ҳафта Осиё футбол конфедерацияси қарорғоҳида баҳсларга қураъ ташланди. Унга кўра, мусобақада 14 та давлат аёллар терма жамоаси уч гуруҳга бўлинган ҳолда ўзаро куч синашади.

Қизларимиз «С» гуруҳида Ҳиндистон, Вьетнам, Хитой терма жамоаларига қарши тўп сурадилар. Илк учрашувни футболчиларимиз 18 апрелда Ҳиндистон терма жамоаси билан ўтказишади. Сўнгра ҳамюртларимиз Вьетнам (20 апрелда) ва Хитой (22 апрелда) футболчилари рақиби бўлади.

Қолган гуруҳларга жамоалар қуйидагича тақсимланган:



«А» гуруҳи. *КХДР, Жанубий Корея, Сяньган, Сингапур, Таиланд.* ***«В» гуруҳи.*** *Япония, Филиппин, Гуам, Хитой Тайпейи, Мянмар.*

Мусобақа низомига мувофиқ, гуруҳлардаги кучли икки жамоа ва энг яхши кўрсаткичга эга учинчи қатнашчи кейинги босқичга йўлланма олади. Чемпионатнинг олтин ва кумуш медаллари соҳибалари шу йил 28 сентябрда бошланадиган жаҳон чемпионатида тўғридан-тўғри иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритади. Бронза медали эгаси эса Конкакаф вакили билан учинчи йўлланма учун куч синашишига тўғри келади.

Эркин ХОЛБОБО

Ҳикматли сўзлар маъноси

АЙБСИЗ ЁР ҚИДИРГАН ЁРСИЗ ҚОЛАДИ

Турмуш қуриш учун қиз танлаган йигит ёки йигит танлаган қиз унисини ўпоқ, бунисини сўпоқ, деб инжиқлик қилаверса, рад этаверса, охири аввалгилардан ўзолмайдиганга дучор бўлади. Варианти: «Гулни танлаган қора толга ҳам қўнолмайди»; «Танлаб-танлаб, тозига йўлиқибди».

АЙИҚ ЎЗ ТОВОНИНИ ЯЛАБ ЖОН САҚЛАЙДИ

Эмишким, айиқ қишда уясига кириб олиб, овқат емасдан, ўз товонини (мойини) ялаб жон сақларкан. Мажозий маънода: «Ёзда куч-ғайратингни, меҳнатингни аямай ишлаб, қўрқут йиғсанг, қишда еб, тирикчилигингни ўтказасан», дейилмоқчи.

АЙЛАНАЙ САЛЛАМ СЕНДАН, ҲЕЧ КИМ ГУМОН ЭТМАС МЕНДАН

Бу мақолни халқ илмига амал қилмайдиган муллалар тилидан айтган ва уларни масхара қилиб кулган. Варианти: «Охир замон мулласи, катта бўлур салласи»; «Домланинг айтганини қил, қилганини қилма»; «Саллага ишонма, каллага ишон!».

АЙРИЛГАННИ АЙИҚ ЕР, БЎЛИНГАННИ — БЎРИ

Қатор мақоллар кишини жамоа билан бирга бўлишга ундайди, якка-ёлғиз яшаш, эл-юртдан, кўпчиликдан юз ўгириш ёмон оқибатларга олиб боришини кўрсатади: «Айрилмагин элингдан, қувват кетар белингдан»; «Айрилган озар, бирлашган ўзар»; «Ёрдан айрилсанг ҳам, элдан айрилма»; «Йўлдан чиқсанг ҳам, элдан чиқма»; «Тўдадан ажралган тўрга тушар»; «Тўдадан айрилган қўйни бўри ютар»; «Тўпидан айрилганни қароқчи санчар»; «Юртдан айрилганни ёв чопади»; «Тўпидан айрилган ғоз тўп қарғага ем бўлур»; «Тўпдан чиқсанг ҳам, кўпдан чиқма»; «Очдан қолсанг қол, кўпдан қолма»; «Қатордан қолдинг — хатарда қолдинг» (туя карвонини ҳам «қатор» дейдилар. Агар қатордан, яъни карвондан ажрасанг, якка ўзинг чўл-биёбонлардан катта хавф-хатарга дучор бўлишинг — талончига йўлиқишинг, йиртқичларга ем бўлишинг мумкин, шунинг учун кўпчиликдан сира ажрай кўрма, дейилмоқчи).

АЛИ ЖИННИ, АЛИ ЖИННИНИНГ БАРИ ЖИННИ

Бу мақолни «жиннилик»да, жанжалкашлик ва шаллақиликда бир-биридан қолишмайдиган эр-хотин, ака-ука, опа-сингил, қуда-андаларга нисбатан қўллайдилар. Варианти: «Онаси жинни — бари жинни», «Тухуми бирнинг бари бир», «Эшигидан қарасам — бир жинни, туйнугидан қарасам — бари жинни».

ИНТЕР-СПОРТ

Грипп сабабли...

Афсонавий боксчи Майк Тайсон билан Клиффорд Этьен ўртасида 22 февраль куни ўтказиладиган жанг қолдириладиганга ўхшайди. Сабаб, Тайсон грипп бўлибди. 36 ёшли боксчининг бундай аҳволга тушиши кўпчиликни ташвишга солмоқда. Тайсоннинг матбуот котиби Фред Стернбергнинг фикрига қараганда, гриппга чалинган Майк машқларни ўтказмай кўйган. Баъзи гапларга қараганда, Тайсон чап ёнғининг бир четига игна билан тасвир туширишга улгурган экан. Энг ёмони «Қора шохбурун» деб аталувчи Этьен билан рингга чиқолмаса, Тайсон кўп нарсани йўқотиши мумкин. Ҳар қалай темир мушт соҳиби ҳозир бир ярим йил илгаригидек шиддаткор эмас. Бу жангнинг бўлиш-бўлмаслиги якшанба куни ойдинлашадиган кўринади. Юз берган ҳолатдан фойдаланишга чоғланган Австралия боксчиси Жеф Фенеч эса Тайсоннинг ўрнига жанг қилмоқчи. «Мен Тайсонга ачинаман, — дейди Фенеч. — Сўзсиз Майк жангга киришгудек бўлса, Этьен маглубиятга учраши турган гап. Лекин мен бу жангни кўрмайман».



Нима бўлганда ҳам Майк — Этьен билан жангга киришса, у июнь ойида бўладиган Леннокс Льюис билан учрашиш учун шартномага имзо чекиш имкониятига эга бўлади. Бу ёғини эса вақт кўрсатади.

Миллион учун дона суриб

Жаҳоннинг кучли шоҳмотчилари россиялик Гарри Каспаров билан украин Руслан Понамарёв ўртасида ўтказиладиган халқаро учрашув куни аниқланди. ФИДЕ рейтинги бўйича пешқадам бўлиб турган бу шоҳмотчилар 19 июндан 7 июлгача Бузнос-Айресда куч синашадилар. Голибларга аталган мукофот жамғармаси миллион АҚШ доллари ҳисобида белгиланган.

Маҳрум этилди

Мухлисларимиз яхши биладиган Ереванни "Арарат" жамоаси Арманистон олий лига чемпионатида иштирок этишдан маҳрум этилди. Бундан ташқари араратчилар бир йил мобайнида Арманистон футбол федерацияси раҳнамолигида ўтказиладиган ўйинларда ҳам қатнашмайди. Бундай нохушликка "Арарат" раҳбарларининг мамлакат миллий ва ёшлар терма жамоаларига беш ўйинчини бермаганлиги сабаб бўлди. Боиси, терма жамоа яқин кунларда Исроил футболчилари билан учрашиши лозим эди.

Аламзада мураббийнинг ҳаракати

Англиянинг "Манчестер Юнайтед" футбол клуби мураббийси Алекс Фергюсон кутилмаган маглубиятдан кейин жаҳл устида ножўя ҳаракат қилиб қўйди. У ўз шогирди, моҳир ҳужумчи Дэвид Бекхэмга зарда қилиб, бутсини улоқтирди. Бу ҳаракат туфайли Дэвиднинг юзи жароҳатланди. "Манчестер Юнайтед" футболчилари Англия кубоги учун куращда Лондоннинг "Арсенал" жамоасига 0:2 ҳисобида имкониятни бой берган эди.

Муносиб туҳфа

Машҳур теннисчи Евгений Кафельников ўзининг 29 баҳорини нишонлаш кунига муносиб туҳфа ҳозирлади. У Роттердам шаҳрида World Indoor Tournament халқаро мусобақасининг биринчи даврасида испаниялик Феличиано Лопесни — 6:2, 6:0 ҳисобида маглубиятга учратди. Кафельников Дэвис кубоги учун Россия — Чехия учрашувида иштирок этиб, биринчи ўйиндаёқ маглубиятга учраб, ноқулай аҳволда қолган эди. Бу гал у ўзини яна кўрсатди. Роттердам турнирининг мукофот жамғармаси эса 800 минг АҚШ долларига тенг.

Республика кўчмас мулк биржасининг Тошкент шаҳар филиали

2003 йил 14 февраль куни ўтказилган кимошди савдоларида Тошкент шаҳар, Сирғали тумани, «Спутник» даҳаси, Спутник-2 мавзеси, 52-уй ҳамда Спутник-8 мавзеси, 59-ва 60-уйлар орасида жойлашган якка тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган сатҳи 0,03 га. тенг бўлган ер участкалари сотилди. Умумий сотилиш баҳоси 2 100 000 сўмни ташкил қилди. Шунингдек, ўтган ҳафтада ўтказилган биржа савдоларида 7 та объект 133 648 000 сўмга сотилди, шулардан 2 таси давлат объекти бўлиб, сотилиш баҳоси 83 822 000 сўмни ташкил қилди.

Мурожаат учун манзил: *Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А. Қодирий кўчаси, 13-уй.*
Телефонлар: *144-44-73, 144-71-78.*

«ЎЗБЕКГАЗСУВҚУРИЛИШ» очиқ акциядорлик жамияти акциядорлари диққатига!

«Ўзбекгазсувқурилиш» ОАЖ акциядорларининг навбатдаги умумий йиғилиши 2003 йил 18 март куни соат 10.00 да жамиятнинг маъмурий биносида бўлиб ўтади.
Манзилимиз: *Тошкент шаҳри, Беларик кўчаси, 22-уй.*

КУН ТАРТИБИ:

1. Жамиятнинг 2002 йилдаги молиявий фаолияти якунлари ва 2003 йил режаларининг асосий йўналишлари тўғрисида ҳисобот.
2. Тафтиш комиссиясининг ҳисоботи.
3. Аудитор текшируви ва йиллик балансини тасдиқлаш.
4. 2002 йилдаги фойдани тақсимлаш, дивидендлар миқдорини белгилаш ва тўлаш тартибларини тасдиқлаш.
5. Бошқарув раислигига номзод ва Кузатув Кенгаши ўртасида тузиладиган шартномани тасдиқлаш.
6. Кузатув Кенгаши аъзолари таркибига ўзгартиришлар киритиш.

Маълумотлар учун телефонлар: *53-63-25, 53-52-44.*

КУЗАТУВ КЕНГАШИ

«Тафаккур» журнали жамоаси таҳририятнинг собиқ ходими, шоир Сирожиддин Рауповга онаси **РОҲАТОЙ** аянинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o'rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o'rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA'DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To'lepbergen QAIPBERGENOV
Farmon OMONOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Siyosat, partya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma'naviyat va ma'rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e'lonlar 133-38-55, 133-47-80 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Toshkentda — 133-44-55
Urganchda — 226-51-35
Farg'onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma'murjon QIYOMOV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchi Ikromjon ISMOILOV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 066

16275 nusxada bosildi

Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 23.50
1 2 3 4 5 6

SOTUVDA ERKIN NARXDA